



# XI GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2020: CENTRAL ASIA

INTERNATIONAL SCIENTIFIC  
PRACTICAL JOURNAL



Nur-Sultan, Kazakhstan



**Объединение юридических лиц в форме ассоциации  
 «Общенациональное движение «Бобек»  
 Конгресс ученых Казахстана**

**ISSN 2664-2271**



**«ГЛОБАЛЬНАЯ НАУКА И ИННОВАЦИЯ 2020:  
 ЦЕНТРАЛЬНАЯ АЗИЯ»**

**№ 6(11). Декабрь 2020  
 СЕРИЯ «ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ»  
 Журнал основан в 2018 г.**

**II ТОМ**

**ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:  
 Ж.Малибек, профессор;  
 Ж.Н.Калиев к.п.н.;**

**Лю Дэмин (Китай),**

**Е.Л. Стычева, Т.Г. Борисов (Россия)**

**Заместители главного редактора: Е. Ешім, Е. Абиев (Казахстан)**

**Consolidation of legal entities in the form of an association  
«National Movement «Bobek»  
Congress of scientists of Kazakhstan**

**ISSN 2664-2271**



**«GLOBAL SCIENCE AND INNOVATIONS 2020:  
CENTRAL ASIA»**

**No. 6(11). December 2020  
SERIES "PEDAGOGICAL SCIENCES"  
The journal was founded in 2018.**

**II VOLUME**

**CHIEF EDITOR:  
J. Malibek, professor;  
Zh.N. Kaliev, candidate of pedagogical sciences;  
Liu Deming (China),  
E.L. Stycheva, T.G. Borisov (Russia)  
Deputy chief editors: E. Yeshim, E. Abiev (Kazakhstan)**

**ПАЙДАЛАНЫЛҒАН ӘДЕБИЕТТЕР ТІЗІМІ**

1. Ангеловски К. Учителя и инновации: Книга для учителя/К. Ангеловски. - М.: Просвещение, 1991. - 159 б.
2. Апатова Н.В. Информационные технологии в школьном образовании / Н.В. Апатова. - М.: 1994. - 234 б
3. Асмолов А. Г. и др. Как проектировать универсальные учебные действия в начальной школе: от действия - к мысли / А.Г. Асмолов, Г.В. Бурменская, И.А. Володарская, О.А. Карабанова, Н.Г. Салмина, С.В. Молчанов. -М.: Просвещение, 2008.
4. Беркалиев Т.Н. и др. Инновации и качество школьного образования: Научно-методическое пособие для педагогов инновационных школ / Т.Н. Беркалиев, Е.С. Заир-Бек, А.П. Тряпицына: - СПб.: КАРО, 2007. -144 б.
5. Бледных О.И. Активные методы обучения//Проблемы современной науки и образования /О.И. Бледных [Текст]. - 2014. - №12 (30). - б. 118-120. [Электронный ресурс]. - Режим доступа: <http://scienceproblems.ru/images/PDF/2012>

**УДК 53.01**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМДА ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФИЗИКАСИННИ ҮҚИТИШНИНГ  
АЙРИМ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ**

**Сайдов Сафо Олимович**

Бухоро давлат университети «Физика» кафедраси доценти, кимё фанлари номзоди,  
Бухоро, Ўзбекистон

**Туксанова Зилола Иззатуллаевна**

Бухоро давлат университети «Физика» кафедраси катта үқитувчиси,  
Бухоро, Ўзбекистон

**Аннотация.** Мақолада «Физика» тайёрлов йұналиши бакалавр, магистрлари ҳамда педагогларни қайта тайёрлашы ва малака ошириши курслари тингловчилари учун танлов фани сифатида айнан қандай янги курсларни үқитиши учун жорий этиши кераклиги, танланған фанни қандай күламда үқитиши, уни танлаб олишида қандай мезонларга асосланиши, унинг номланиши, хусусан, “ҳозирги замон физикасы” атамаси, унинг мазмунни – моҳияти ва “классик” физикадан тағовутлари каби масалаларнинг назарий таҳлиллари, ечимлари ҳамда маҳсус танлов фани сифатида ҳозирги замон физикасини үқитишининг айрим долзарб масалалари таҳлил қилинган.

**Ключевые слова:** система образования, реформирование системы высшего образования, требования государственного образовательного стандарта по направлению «Физика», учебные планы, направления подготовки педагогических кадров, введение новых спецкурсов, изучение современной физики в педагогическом вузе, физика и её развитие, современная физика, основы современной физики, актуальные направления в современной физике, «классическая» физика, «современная физика», «Физика на пороге третьего тысячелетия», основные достижения физической науки за десятилетие, теоретические принципы выбора основных направлений современной физики.

Ўзбекистонда олиб борилаётган таълим ва тарбия соҳасидаги ислоҳотлардан асосий мақсад, юртимизда соғлом ва баркамол, билимли, юксак маънавий-аҳлоқий фазилатларга эга бўлган авлодни шакллантиришдан иборат. Айнан ана шу мақсадга эришиш учун Президентимиз раҳнамолигида янги Ўзбекистонда, янги даврда яшайдиган, янгича фикрлайдиган, янги ишлаб чиқариш, янгича ижтимоий шароитларда фаолият кўрсатадиган, замонавий касбий билим ва маҳоратга бой бўлган етук мутахассис кадрлар тайёрлашнинг «Ўзбек модели» ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Таълим тизимини, хусусан, олий таълимни ривожлантириш, мустаҳкамлаш, уни замон талаблари даражаси билан уйғунлаштиришга катта аҳамият берилмоқда. Бунда мутахассис кадрларни тайёрлаш, таълим ва тарбия бериш тизими ислоҳотлар талаблари билан чамбарчас боғланган бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Замон талабларига жавоб бера оладиган мутахассис педагог кадрларни тайёрлаш, олий таълим давлат стандартлари талаблари асосида таълим ва унинг барча таркибий тузилмаларини такомиллаштириб бориш олдимизда турган долзарб масалалардан биридир. Шу нуқтаи-назардан қараганда олий таълимда тайёрлов йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича ўқув режаларига асосан ўқитиладиган фанлар блоки, унинг таркибий тузилмаси, мазмуни, сифати ва ўқитиши самарадорлиги доимий аҳамиятга молик масалалардандир. Ойдинлаштириш лозимки, ҳозирги кунда ўқитилаётган гуманитар ва табиий-илмий, умумкасбий, кўшимча ва ихтисослик фанлари қаторида маҳсус танлов фанларини ўқитишга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу мақолада «Физика» тайёрлов йўналиши бакалавр, магистрлари ҳамда олий таълим педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари тингловчилари учун танлов фани сифатида айнан қандай янги курсларни ўқитиши учун жорий этиш зарурлиги, танланган фанни қандай кўламда ўқитиш, уни танлаб олишда қандай мезонларга асосланиш, унинг номланиши, “ҳозирги замон физикаси” атамаси, унинг мазмуни – моҳияти, унинг “классик” физикадан фарқи каби масалаларнинг назарий ечимлари ҳамда маҳсус танлов фани сифатида ҳозирги замон физикасини ўқитишнинг айрим долзарб масалалари таҳлил қилинган.

Даставвал “ҳозирги замон физикаси” ибора (атама) сининг мазмуни, моҳияти ҳақида тўхталамиз. Бу ибора ҳақида фикр юритганда, “ҳозирги замон”, “янги” ёки “ноклассик” (айрим манбаларда “современная физика”) ва “эски” ёки “классик”, “мумтоз” физикани қарама-қарши қўйиш, қиёслаш ёки нисбат бериш керак эмас, чунки, “энг замонавий” физика ва классик физика ҳам табиат ҳақидаги умумий фандир; улар материянинг тузилиши, шакли, хоссалари ва унинг ҳаракатлари ҳамда ўзаро таъсирига тегишли маҳсус қонуниятларни кимё, геология, биология сингари айрим табиий фанлар ўрганади. Бинобарин, физика фани билан бошқа табиий фанлар орасида боғланиш бор. Улар орасидаги чегаралар ҳам нисбий бўлиб, вакт ўтиши билан турлича ўзгариб бораверади. Физика фани техниканинг назарий пойdevорини ташкил қиласди. Физиканинг ривожланишида кишилик жамиятининг ривожланиши, тарихий даврларнинг ижтимоий-иктисодий ва бошқа шарт-шароитлари маълум аҳамиятга эгадир. Ўрганилаётган обьектлар ва материалларнинг харакат шаклларига қараб, физика фани бир-бири билан ўзаро чамбарчас боғланган элементар зарралар физикаси, ядро физикаси, атом ва молекулалар физикаси, газ ва суюқликлар физикаси, қаттиқ жисмлар физикаси, плазма физикаси бўлимларидан ташкил топган. Ўрганилаётган жараёнларга ва материянинг ҳаракат шаклларига қараб, физика моддий нукта ва каттиқ жисм механикаси, термодинамика ва статистик физика, электродинамика, квант механикаси, майдон квант назариясини ўз ичига олади. Табиатнинг барча ҳодисаларини бир бутун қилиб боғловчи энергиянинг сакланиш ва айланиш қонунининг очилиши табиатшуносликда, жумладан, физиканинг ривожланишида катта аҳамиятга эга [1, 2].

Классик физика эса модда, фазо, вақт, масса, энергия ва ҳ. к. ҳақидағи маңсус тасаввурлар, түшүнчалар, қонунлар, принциплардан ташкил топған. У классик механика, классик статистика, классик термодинамика, [классик электродинамика](#) ва бошқа бўлимларга бўлинади.

Физиканинг классик ва ноклассик физикага ажратилиши шартлидир. Галилей — Ньютон механикаси, Фарадей — Максвелл электродинамикаси, Больцман — [Гиббс](#) статистикасини, одатда, классик физикага, майдон квант назарияси ва нисбийлик назариясини ҳозирги замон физикасига киритишади. Тарихий жиҳатдан бу ҳақиқатан ҳам шундай. Аммо классик физика билан ҳозирги замон физикасини бир-бирига [карши](#) қўйиш асоссиздир. Янги техника, технологиялар, космосни эгаллаш каби соҳаларда классик физикадан кенг фойдаланиб муҳим ютуқларга эришилмоқда.

Физика текширадиган ҳодисаларни микдорий жиҳатдан таҳлил қилишда бошқа фанларга, жумладан математикадан кенг фойдаланади. Ҳодисаларнинг ўтиши ва уларнинг табиатидаги мураккабликка қараб кўлланиладиган математик усуллари ҳам мураккаблашади.

Ҳозирги даврда элементар математика, дифференциал, [интеграл](#) хисоблар, аналитик геометрия, оддий [дифференциал тенгламалар](#) билангина чекланиб қолиш мумкин эмас. Масалан, майдон назариясида тензорлар, операторлар каби түшүнчалардан кенг фойдаланилади. Физиканинг ривожланиши ҳамма вақт бошқа табиий фанлар билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келган. Физиканинг ривожланиши бошқа табиий фанларнинг ривожланишига ва қўпгина ҳолларда янги фанларнинг вужудга келишига олиб келган. Масалан, физиклар томонидан микроскопнинг ихтиро этилиши кимё, биология, [зоология](#) фанларининг кенг кўламда ривожланишига сабаб бўлди. Телескопнинг яратилиши, спектрал анализ қонунларининг каشف этилиши астрономия фанининг ривожланишини жадаллаштириди. Электромагнит [индукция](#) ҳодисасининг каشف этилиши ва радионинг ихтиро этилиши [электроника](#), радиоэлектроника ва [радиотехника](#) фанларининг вужудга келишига олиб келди. Жуда кўп соҳалар борки, уларни физика бошқа фанлар билан биргаликда ўрганади. Шу тарика кимёвий физика, биофизика, астрофизика, [геофизика](#) ва бошқа фанлар вужудга келган. Физикада яратилган кащфиётлар техниканинг турли соҳалари ривожланишига, пировардида, [саноат](#) ва [халқ](#) ҳўжалигининг жадал ривожланишига олиб келган. Ўз навбатида, [техника](#) фанларининг эришган ютуклари физиканинг янада ривожланишига сабабчи бўлган. Техниканинг, умуман халқ ҳўжалигининг ривожланиб боришида узлуксиз равишда вужудга келувчи физик муаммоларни ҳал этиб боришига тўғри келди. Бу эса техника фанларининг ҳамма вақт физика билан ҳамкорликда иш олиб боришини тақозо этади. Ўзбекистонда ядро физикаси, физикавий электроника, қаттиқ жисмлар физикаси, юкори энергияли [ва космик нурлар](#) физикаси, [яримўтказгичлар](#) физикаси, фотоника, акустооптика, акустоэлектроника, лазерлар физикаси, гелиофизика, [гелиотехника](#) ва бошқа физика соҳаларида муҳим ютуқларга эришилди [1- 14]. Шундай қилиб, “ҳозирги замон физикаси”, “янги физика” ёки “ноклассик физика” ва “классик физика” ёки “мумтоз физика” ўртасида антагонистик зиддият мавжуд эмас, чунки ибтидонинг ривожланиб янги босқичга кўтарилишини фақат сифат мезонлари нуқтаи-назаридан баҳолаш лозим. Аммо нафақат физикада, балки бошқа табиий ва аниқ фанларда ҳам, ибтидо устқурма сифатида қаралганда, бино унинг устига курилади. “Ҳозирги замон физикаси” га бундай ёндашув кейинги қилинадиган хулосалар учун муҳим хисобланади. Физика яхлит фан сифатида қаралганда, ҳозирда мавжуд физикавий йўналишлар, унинг таркибий бўлимлари, турдош қисмлари, икки фан бирлашган соҳалар (астрофизика, физикавий кимё, математик физика ва ҳ.к.) ҳамда тадқиқотлар таркиби, кўлами бениҳоя ранг-барангдир (микдоран сон билан таснифлаш, баҳолаш маъносиздир). Аммо бунда яхлитлик, ўзаро узвий боғлиқлик, умумий ривожланиш тамойиллари хукмрондир (физика қонунлари, исботланган назариялар). Инсоният тараққиётида ҳар бир фаннинг ривожланиб янги босқичга ўтиши шубҳасиз ва у кишилик жамияти ривожи учун хизмат қиласи.

физикаси” асосида инсоният 21-асрда янги инқилобий янгилик ва кашфиётларни очиш арафасида турибди. Шубҳасиз бунга кучли назарий тайёргарлик ва услублар, илмий потенциал, замонавий тадқиқот технологиялари, тадқиқотларда такомиллашган илмий-техника, асбоб-ускуналарнинг қўлланилиши туфайли эришилади. Фандаги бундай янгиликларни умумий ўрта ёки олий таълим стандартлари доирасидаги ўкув режа ва дастурларнинг имкониятлари жуда чекланганлиги сабабли жуда оз қисминигина киритиш мумкин, холос. Иккинчи томондан, ҳақиқатдан, физика ҳақида гапирганда, тан олиш керакки, ҳозирги кунда таҳсил олаётган олий таълим талабалари ўтган 20-асрнинг 50 - 80-йилларида кашф этилган физиковий ҳодисалар, жараёнлар ва назарияларни ўрганмоқдалар, фақат янги оламшумул физик кашфиётлар килиниб, унинг асосида яратилган янги технология ёки техникаларнинг кундалик ҳаётга кириб келганидан кейингина улар ушбу ҳодиса ёки жараённинг “физикаси” ўрганишга киришадилар, тушуниб етадилар. Масалан, лазерлар физикаси ҳам кундалик ҳаёт, техника ва технологияда бўлган ўзгаришлар натижасида олий таълим дастурларига киритилди, бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Олийгоҳ талабаси нигоҳида ўрганиб, ўзлаштириш нуқтаи-назаридан “Физика” алоҳида, бир бутун, яхлит, фан, тизим сифатида тасаввур этилади. Шундай килиб, тўпланиб бораётган илмий, амалий, техник ва тадқиқот соҳасидаги билимлар кўлами, уларни ўзлаштириш учун “масъул” бўлган ўкувчи, талаба ва педагоглар назаридан ортда қолмоқда, улар физикани фақат стандарт талаблари доирасидагина ўрганмоқдалар холос, албатта бунинг объектив ва субъектив сабаблари бор, буни назардан туширмаслик лозим, масалан, ўкув соатлари ҳажми, уларнинг чегараланганилиги ва ҳ.к. Бундан кўринадики, ҳозирги замон физикасининг ривожланиш ёки тадқиқот базаси кўлами уни ўқитиши кўлами ва мазмунидан маълум даражада илгари юрмоқда. “Физика” нинг фан сифатида ҳозирги кундаги ривожланиш босқичида, физика ҳақидаги илмий ва педагогик қарашлар орасидаги фарқ ҳам янада ортиб бормоқда. Бизнинг назаримизда, бунга асосий сабаб, талаба ва ўкувчиларга ҳозирги замон физикасини ўқитиши методикасининг ишлаб чиқилмаганлигидир. Бундан ташқари олий таълим муассасалари учун ўкув соатлари сеткасида “Ҳозирги замон физикаси” (бу фанни турлича номлаш мумкин, масалан, “Ҳозирги замон физикасининг долзарб йўналишлари”, “Ҳозирги замон физикаси ютуқлари”, “Ҳозирги замон физикаси учинчи минг йиллик бўсағасида” ёки умумий ҳолда “Ҳозирги замон физикаси” ва ҳ.к.) фани учун ўкув соатларини ажратиш, таълим жараёни учун методик қўлланмалар ишлаб чиқиш, профессор-ўқитувчиларни тайёрлаш масалаларини ҳам ҳал этиш лозим.

Ҳозирги замон физикаси асосларини олий таълимда ўқитишдан асосий мақсад – олий таълим талабалари учун давлат таълим стандартлари талаблари доирасида уларга турли назариялар, қонунлар ва тамойилларга доир билимларни бериш билан бир қаторда, “ҳозирги замон физикаси” да жадал ривожланиб бораётган янги соҳалар, янги йўналишлар, эришилаётган ютуқлар, янги кашфиётлар, уларнинг ривожланиши, эришилган янги илмий кашфиётлар, техник ва технологик ривожланишларнинг инсоният учун аҳамияти тўғрисидаги билимларни ҳам бериш ўта муҳимдир. Буни бугунги ҳаёт ва таълим-тарбиянинг ўзи талаб қилмоқда.

Ҳозирги замон физикасида қилинган энг охирги илмий янгиликлар ва кашфиёт ва ютуқларни келтириб ўтишдан олдин муҳим бир масалага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Ҳозирги кунда талаба ёки педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси тингловчилари учун ахборот, маълумот олиш учун жуда кўплаб манбалар мавжуд. Булар матн, график, товуш, рақамли маълумот, видеомаълумот шаклидаги бирламчи ёки иккиламчи манбалар бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

1. Табиат ва бизни ўраб турган борлик;
2. Ўкув, илмий ва бошқа йўналишдаги кутубхоналар;
3. Итернет (виртуал) глобал ахборот тизими ва унинг таркибий қисмлари;
4. Телевидение;
5. Радио;

- 6. Турли курслар, түгәрақлар;
- 7. Турли социумлар, маълум мутахассислар (масалан, педагог ўқитувчи).

Ахборот манбаларини таҳлил қилиш орқали биз унинг нечоғли тўғри- ёки нотўғрилигини, унинг ҳақиқий ёки асллиги ва бошқа сифатларини аниқлаб олишимиз мумкин.

Албатта ахборот, маълумот олишда ҳам маълум тартиб-қоидалар мавжуд. Биринчи навбатда, маълумот олиш маданиятига риоя қилиш лозим. Юқоридаги манбаларни келтириб ўтишимиздан мақсад, ҳозирги замон физикасида қилинган оламшумул янги қашфиётлар, янги яратилган назариялар, ҳозирги замон физикасининг долзарб йўналишлари билан танишишдан олдин ахборот манбасининг нуфузи ва салоҳияти, обрўси, ундан фойдаланувчилар аудиторияси билан танишиш лозим. Чунки, баъзи ахборот манбаларида (хусусан, интернетда) сохта, ёлғон, шов-шувли ёки инсонларни кўркитиш, вахима уйғотиш ва бошқа мақсадлар учун “буортма” ёки фақат фойда олиш учун тайёрланган ёки ишлаб чиқилган ахборотлар ҳам мавжуд. Масалан, табиатнинг айrim физик ҳодисаларини бўрттириб кўрсатиш, инсонларни чалғитиш мақсадида, гайриилмий хulosалар қилиш, гайриилмий назарияларни тарқатиш, хусусан, кейинги пайтларда “охират замон” ёки “апокалипсис” лар тўғрисида жуда кўплаб маълумотлар, “глобал ахборот океанида” мавжуд. Албатта, бу масалаларни кенгрок ёритиш имкониятларимиз чекланганлиги учун, шуни таъкидлаймизки, диққатни асосий масалага, яъни тўғри, ишончли манбалардан, ҳақиқий асл ахборотни олишга қаратишмиз лозим.

Энди мавзуу буйича ҳозирги замон физикасида қилинган энг охирги илмий янгиликлар ва ютуқлар йўналишларини келтирамиз. Улар:

- элементар зарраларнинг майдон назарияси;
- элементар зарралар гравитацион майдони кучланганлиги, Хиггс бозонлари бўйича янги қашфиётлар;
- борлиқ зарралари кинетик энергиясининг электромагнит табиати;
- электрон нейтринолар ёки электрон антинейтрино аннигиляция реакцияси;
- биофизикада инсон организмининг қариши ёки юрак қон-томир тизимининг қон плазмаси таркибий ўзгаришлари туфайли емирилиши;
- планетанинг глобал исиши муаммоси;
- квант телепортацияси;
- графен ва кварк глюон плазма мавжудлигининг экспериментал исботлари;
- катта адрон коллайдерида элементар зарралар устида олиб борилган тадқиқотлар;
- ҳозирги замон физикани ўқитишдаги илфор тажрибалар ва ҳ.к..

Ўтган 10 йиллик ичida ҳозирги замон физикаси ва умуман инсоният эришган илмий қашфиёт ва ютуқларни кўриб чиқайлик:

2010 йилда – биринчи синтетик “ҳаёт” – сунъий йўл билан бир неча синтетик микроблар яратилди (473 генлардан иборат, *J. Craig Venter Institute* институти *Mycoplasma mycoides* бактерия геномини ўзгди );

2011 йилда - ОИТС терапияси бўйича янги фармпрепарат ишлаб чиқилди ([The New England Journal of Medicine](#) журнали. Препарат 93% га ОИТС юқишини камайтиради);

2012 йилда – ер юзидаги энг катта зарралар тезлаткичи катта адрон коллайдерида Хиггс бозони қашф этилди. Бу заррачанинг массага эга эканлигини Хиггс энергетик майдони билан қиёслашади.

2013 йилда – қарийб 35 йиллик парвоздан сўнг Американинг Вояджер – 1 автоматик космик станцияси Қуёш системасини ташлаб чиқиб кетди. Унгача у 10 йил давомида бир қатор планеталар – Юпитер, Сатурн, Уран, Нептун сайёralарига тегишли маълумотларни ерга етказиб турди. Ушбу аппарат 2025 йилгача бизга ўзи олган маълумотларини етказиб туради, ундан сўнг у коинот қаърида қолиб кетади. Ўзга сайёralиклар учун унинг ичida олтин пластина ва маҳсус капсула жойлаштирилган

бўлиб, унда одамлар, Қуёш системаси ва инсоният цивилизацияси акс этган тасвирлар мавжуд.

2014 йилда – олимлар томонидан гравитацион тўлқинларнинг мавжудлиги тасдиқланди. Олимлар коинотнинг катта портлашдан сўнг секунднинг бир неча мингдан бир сониясида юз берадиган фазо ва вақтнинг “қалқиши”ни ва коинот кенгайишини аниқлаш имконига эга бўлдилар, реликт нурланиш кутбланишида ўзгариш юз беради, бунга “В- мода” дейилади. “В – мода” лар Антарктидада BICEP 2 телескопи ёрдамида қайд этилди. Гравитацион тўлқинлар воситасида “қора туйнук”лар ва нейтрон юлдузларнинг ўзаро тўқнашувлари динамикаси ва коинот эволюцияси ҳақидаги бошқа кўпгина маълумотларни олишга эришилмоқда.

2015 йилда – одам эмбрионида биринчи марта CRISPR таҳрирлаш ўтказилди. Ушбу метод ёрдамида инсонлардаги генетик касалликларнинг олди олиниши мумкинлиги аниқланди. Сунъ Ятсень номидаги Хитой университети олимлари биринчи бўлиб одам эмбрионини генмодификация қилдилар. Ҳозирги кунда ушбу йўналишнинг этик нормалари тўғрисида баҳслар давом этмоқда.

2016 йилда – биздан 4,2 ёруғлик иили узоқлигига ҳаёт мавжуд бўладиган коинот худудларида экзопланета ([Proxima b](#)) кашф этилди.

2017 йилда – жуда қадимий тошқотмалар *Homo sapiens* нинг ёшини 100 000 йил ортга сурди, унинг планетадаги ёши 300 000 йил бўлиб чиқди. Олимлар Африканинг шимолида Мароккодаги ғорлардан бирида топилган тошқотмаларнинг ёшини 300 000 йил эканлигини аниқлашди.

2018 йилда - одам эмбрионида CRISPR таҳрирлаш асосида опа-сингил чақалоқлар туғилди.

2019 йилда – биринчи марта “қора туйнук” атрофини суратга олишга эришилди. Маълумки, “қора туйнук” лар мавжуд, бу факт, чунки ёруғлик уларнинг тортишиш кучини енгиги ўта олмайди, шу туфайли биз уларни кўра олмаймиз. Суратга олинган юлдуз Messier 87 галактикаси марказида бўлиб, унинг диаметрини Қуёш системаси диаметри билан қиёсласа бўлади.

2020 йилги (октябрь) Нобель мукофоти астрофизикада “қора туйнук” ларни тадқиқ этган уч нафар олимлар - Роджер Пенроуз, Рейнхард Генцель, Андреа Гезга берилди.

Физик олимлар хона ҳароратида ўта ўтказувчанликка эришилар, Россия ва Британиялик физиклар товуш тезлигининг максимал қийматини аниқладилар.

Физика соҳасида эришилган бундай кашфиётлар ва ютуқларни жуда қўплаб мисолларда келтириш мумкин.

Педагогика йўналиши бўйича мавжуд илмий ва ўқув, услугбий адабиётларни ўрганиб, таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, ҳозирги замон физикаси ривожланишининг долзарб йўналишларини, ютуқлари ва ўқитиш услубларини ишлаб чиқиш ва уни умумий ва ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тизимларида албатта жорий этиш зарур. Олий таълимда, хусусан, педагогика йўналишидаги олий таълим муассасаларида «Ҳозирги замон физикаси» фанини алоҳида модул сифатида киритиш ва уни ўқитишда қўйидаги вазифаларни амалга ошириш зарур:

1. Педагогик олий таълим муассасаларининг ўқув режа ва дастурларига мазкур фан (модул, курс) бўйича ўқув соатларини киритиш;
2. Уни ўқитишнинг шакл ва услубларини ишлаб чиқиш;
3. Ҳозирги замон физикасини олий таълимда ўқитишнинг долзарб йўналишлари ва масалаларини танлаб олишнинг назарий мезонларини ишлаб чиқиш;
4. Таалabalарга ҳозирги замон физикаси асосларини ўқитишда мазкур фанни ўқув режасида асосий фан (компонента) сифатида белгилаш;
5. “Физика” тайёрлов йўналиши бўйича бўлажак педагогларга ҳозирги замон физикасини ўқитишда маҳсус курсларни жорий қилиш, масалан, “Физика учинчи минг йиллик бўсағасида” ва х.к.

- 6. Педагогик олий таълимда ҳозирги замон физикаси бўйича махсус курс методикасини ишлаб чиқиши.
- 7. “Ҳозирги замон физикаси” нинг бошқа фанлар, хусусан, “Физикани ўқитишида илгор хорижий тажрибалар”, “Физик жараёнларни компьютерда моделлаштириш”, “Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш”, “Таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш” ва бошқа ўқув модуллари, улар интеграцияси бўйича методик қўлланмалар ишлаб чиқиши ва ҳ.к..

“Физика” тайёрлов йўналиши бўйича бўлажак педагогларга ҳозирги замон физикасини ўқитишида “Физика учинчи минг йиллик бўсағасида” махсус курсини жорий қилиш уларнинг ҳозирги замон физикасини микро-, макро- ва мега- даражада билиш имкониятларини кенгайтиради. Албатта, бунда маъзуза машғулотлари учун иллюстратив материалларни ишлаб чиқиши ва апробациядан ўтказиш зарур.

Бизнинг назаримизда, ҳозирги замон физикасининг “мухим, қизиқарли ва долзарб” йўналишларини танлаб олишда қўйидаги мезонларга асосланиш мумкин:

**-биринчидан**, физик тадқиқот йўналишининг инсоният учун муҳимлик даражаси (масалан, энергия манбаи сифатида бошқариладиган термоядро синтезини қўллаш соҳаси);

**-иккинчидан**, физик тадқиқот йўналишининг фундаментал аҳамиятига кўра муҳимлиги (масалан, элементар зарралар физикаси);

**-учинчидан**, инсониятнинг коинотда мавжудлиги ва унинг ўрни билан боғлиқ масала (масалан, астрофизика, мегаолам физикаси, инсониятга таҳдид соловчи хавфхатар, космик, табиий оғатлар билан боғлиқ);

**-тўртинчидан**, физика ва техниканинг икки ёқлама ажралмас боғлиқлиги (юқоридагилар ва жуда кўплаб бошқа мисолларни келтириш мумкин);

**-бешинчидан**, ҳозирги замон физикаси маълум йўналишининг таълим жараёни учун муҳимлиги (умумий ўрта ва олий таълим учун).

Олий таълим педагог кадрлари ва юқори босқич талabalari учун “Физика учинчи минг йиллик бўсағасида” махсус курсини киритиш ҳам “ҳозирги замон физика”сини ўзлаштиришда яхши самара бериши мумкин [1].

Ҳозирги замон физикаси билан талаба ёки тингловчиларни таништиришда:

унинг асосий йўналишлари, тушунчалари, қонунлари ва назарияларини танлаш ва таништириш; улар онгода бизни ўраб турган дунёнинг табиий илмий манзараси янги қирраларини шакллантириш; асосий табиий илмий қидириш методларини янгилаш;

материални ўрганиш жараёнида талabalarning хотираларини бойитиш билан бирга уларнинг ижодий қобилиятларини ҳам ривожлантириш;

талabalarning илмий дунёқарашларини бойитиш;

ҳозирги замон физикаси асосларини ўқитиши жараёнида талabalarni тарбиялаб бориш: ғоявий-сиёсий, ҳарбий - ватанпарварлик, интернационал, ахлоқий ва меҳнат тарбияларини амалга ошириш;

талabalarga асосий билимлар беришни бойитиш, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга тайёрлашни ва онгли равишда касбий билимларини бойитишни амалга ошириш.

Буларнинг бирортасини ҳам бир-биридан ажратган ҳолда ҳал қилиб бўлмайди. Уларнинг ҳаммаси биргаликда ўқитиши жараёнида комплекс ҳолда амалга оширилади. Билимларни мустаҳкамлаш орқали талabанинг тафаккури ривожланади, илмий дунёқарашни кенгаяди.

Дунёқарашни бойитишида ўқитиши, тарбия жараёнида талabalар онгida дунёни билиш мумкинлиги ва билиш жараёнининг диалектик характеристи; дунёнинг моддий бирлиги, материя ва ҳаракатнинг ажралмас эканлиги; табиатдаги ҳодисалар бир- бирига боғланганлиги; моддий дунё хоссаларининг битмас - туганмаслиги, билиш жараёнининг чегарасиз эканлиги тушунтириб борилади. Бу эса уларнинг дунёқарашларини тўғри шакллантириш демакдир.

Фанни ўқитишида оддийдан мураккабга тамойили асосида педагогик (дидактик) фаолиятни ташкил этмоқ лозим. Масалан, моддаларни атом ва молекулалардан тузилганинги ўрганиш билан бирга материянинг иккинчи кўриниши майдон хақидаги тушунча билан ҳам таниширилади.

Бутун курс давомида материя ўзаро боғланган икки кўринища, яъни модда ва майдон кўринишида намоён бўлишини кўрсатиб бориш лозим. Дунёнинг моддий бирлиги хақидаги тасаввурларни талабалар онгига тўғри шакллантиришда модда ва майдоннинг умумий хоссаларини кўриб чиқиши мухим аҳамиятга эгадир.

1.Масса, энергия, импульс, спин тушунчалари ҳам, “модда” ҳам “майдон” зарраларини характерлайди.

2.Корпускуляр-тўлқин дуализми модда зарраларига ҳам майдон зарраларига ҳам тааллуқлидир; корпускуляр ва тўлқин хоссаларнинг бирлиги ҳамма элементар зарраларнинг мухим характеристикасидир.

3.Модда зарралари майдон зарраларига айланиши каби майдон зарралари ҳам модда зарраларига айланади.

4.Ҳар иккала кўринишдаги зарралар стабил бўлишлари ҳам қисқа вақт яшайдиган бўлишлари ҳам мумкин.

Талабалар дикқатини модда зарралари майдон ёрдамида турли структурали системалар / атом, молекула, макроқисм ва ҳ.к./ ҳосил қилишига қаратилмоғи лозим. Модда структурасини майдонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зарралар ўзаро майдон орқали таъсиралашадилар.

Ўқитиш жараёларидаги турли анимацион дастурларни қўллаш орқали табиат ва борлиқдаги ҳаракатларни ўргатиб бориш орқали талабаларни ҳаракат материянинг ажralmas хоссаси эканлигини тушунишларига олиб келади.

Аввал механик ҳаракат, кейин молекуляр ҳаракат ва электронлар ҳаракати билан ҳақида сўз юритилади. Электромагнит индукция ҳодисасини ўрганишида механик ҳаракат / ўтказгичнинг магнит майдонидаги ҳаракати/ билан электронлар ҳаракати орасидаги боғланишга ва электромагнит майдоннинг ҳосил бўлишига улар дикқатини жалб қилмоқ лозим. Сўнгра ҳозирги замон физикаси ютуқлари ҳақида фикр билдирилади, масалан, графен ва кварт глюон плазма мавжудлигининг экспериментал исботлари ҳақида билимлар берилади.

Яна бир йўналиш, ҳаракатнинг йўқолмаслиги энергиянинг сақланиши ва айланиши қонунида ўз ифодасини топади. Энергия ҳақидаги бошлангич тушунчалардан бошлаб, электр ҳодисалари, ҳаракатнинг ва унга мос энергиянинг айланиши тўғрисидаги тушунчалар кўриб чиқилади. Бу ерда ҳаракатни /энергияни/ янги кўринишларига ўтишига аҳамият бермоқ лозим ва масалан, борлик зарралари кинетик энергиясининг электромагнит табиати ёки электрон нейтринолар ёки электрон антинейтрино аннигиляция реакцияси ҳақида билимлар берилса мақсадгага мувофиқ бўлади.

Ҳозирги замон физикасини ўқитиш жараёнида талабаларга ҳодисаларнинг ўзаро боғлиқлиги, уларни содир бўлиш сабаблари ва ривожланиш қонуниятлари (оқибат) тушунтириб борилади.

Талабаларнинг ҳодисалар орасидаги боғланишлар ҳақида аниқ тасаввур ҳосил қилишлари учун уларнинг дикқатини ҳодисалар орасидаги мухим боғланишларини қидириб топишга қаратилмоғи лозим. Бунда факат физик ҳодисаларгина эмас, балки бошқа/ биологик, химик, космологик ва ҳ.к.../ҳодисалар билан ҳам боғланишларни кўрсатиш фойдалидир. Масалан: электр майдонини /сабаб/ ўсимликнинг ривожланишини яхшилаш ёки акс таъсир /оқибат/.

Ҳозирги замон физикасини олий таълимда ўқитишида техника прогрессининг қўйидаги йўналишлари кўриб чиқиши тавсия этилади:

- ишлаб - чиқаришни автоматлаштириш;
- янги, наноматериаллар ишлаб чиқариш ва прогрессив технологиялар, уларни такомилаштириш;

- мұқобил энергия манбалардан фойдаланиш ва энергетика;
- мұқобил энергия манбаларидан фойдаланған ҳолда яратылған янги техника ва технологиялар, электрлаштириш;
- радио ва квант электроникаси, нано физика асосларига күра яратылған техника ва технологиялар, янги авлод электрон ҳисоблаш техникаси;
- янги оптик техника ва технологиялари;
- ишлаб-чиқаришда янги технологияларни құллаш ҳ.к..

Ушбу йұналишда ишларни ташкил этишда бир қатор амалий муаммоларни ечиш, хусусан, үқув, услугбий (методик), педагог кадрлар салохияти ва касбий құникмаларини шакллантириш талаб қилинади. Шу үринде ушбу амалий муаммоларни ечишда маълум даражада ютуқларга эришилаётгандығынан ҳам қайд этиш лозим, масалан, Россия Педагогика Фанлари Академияси, Ўзбекистон Фанлар Академияси, Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Бухоро давлат университети ва бошқа педагогик илмий тадқиқот марказлари, институтларида олиб борилған бир қатор илмий тадқиқотларнинг натижалари эълон қилинди. Эришилған бу натижалар яқин келажақда ҳозирги замон физикаси ривожланишининг долзарб йұналишларини, ютуқлари ва үқитиш услубларини пухта ишлаб чиқиши үни умумий ўрта, ўрта маҳсус, касб-хунар ва олий таълим тизимларида албатта жорий этиш имконини беради.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РҮЙХАТИ**

1. Михайлишина Г.Ф. Изучение современной физики в педагогическом вузе. Диссертация на соискание ученой степени кандидата педагогических наук // Москва, 2002. 288 с. РГБ ОД, 61:02-13/2035-2
2. <https://qomus.info/oz/encyclopedia/f/fizika/>
3. Исмоилов М., Ҳабибуллаев П., Халиулин М. Физика курси (Механика, Электр, Электромагнетизм). Үқув құлланма // Тошкент. “Ўзбекистон”. 2000. 470 б.
4. Олий таълим. Меъёрий-хуқуқий ва услугбий ҳужжатлар түплами. –Т., Истиқлол, 2004.
5. Олий таълимнинг меъёрий-хуқуқий ҳужжатлар түплами. –Т., 2013.
6. Садриддинов Н., Раҳимов А., Мамадалиев А., Жамолова З. Физика үқитиши услуби асослари. Университет ва педагогика институтлари физика бўлими талabalари учун үқув құлланма // Тошкент. 2002. 153 б.
7. Мамадиёров Н. “Физика тарихи” фани бўйича маъруза матнлари // Гулистон давлат университети. 2008. 36 б.
8. Раҳимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О., Рўзиев Ҳ.Ж. Замонавий таълим технологиялари // Тошкент, “Фан ва технология нашриёти”, 2013й., 200 б.
9. Спасский Б. И. Физика и её развитие // Москва.. 1979.
10. Спасский Б. И. История физики // Том I и II М.: 1977 г.
11. Курдяяцев П. С. Курс истории физики // М.: 1982 год.
12. Сирожиддинов С. Ҳ., Матвиевская Г. П. Ал-Хоразмий – выдающийся математик и астроном средневековья // М.: «Просвещение». 1983 г.
13. Матвиевская Г. П. , Розенфельд Б. А. Математики и астрономы мусульманского средневековья и их труды // М.: «Наука» 1983 год.
14. Сирожиддинов С. Ҳ., Матвиевская Г. П. , Ахмедов А. Математика и астрономия в работах Абу Райхона Беруний // Ташкент. «Фан» 1973 г.

**СОДЕРЖАНИЕ  
CONTENT**

<b>Мухакожаева Сауле Куанышбековна .....</b>	<b>3</b>
<b>Ходжаева Аманжан Саттыккуловна, Малгеждарова Жазира Сакеновна .....</b>	<b>7</b>
<b>Evlanov Maksim Vitalyevich, Yakubitskaya Svetlana Leonidovna .....</b>	<b>11</b>
<b>Алтынбекова Ұлмекен Наменовна .....</b>	<b>13</b>
<b>Сайдов Сафо Олимович, Туксанова Зилола Иззатуллаевна .....</b>	<b>17</b>
<b>Пинчук Любовь Анатольевна .....</b>	<b>26</b>
<b>Абдрахманова Гульмира Имангалиевна .....</b>	<b>28</b>
<b>Альменбетова Карлыгаш Жапсарбаевна .....</b>	<b>30</b>
<b>Solikha Narzulloevna Allayarova .....</b>	<b>35</b>
<b>Ахыметбек Айтмухамет .....</b>	<b>37</b>
<b>Абданбаева Аккогершин Абайевна, Марқабаева Ақерке Мейіргазықызы .....</b>	<b>41</b>
<b>Абдикапар Жансая Алимжанқызы .....</b>	<b>44</b>
<b>Марасіл Зарина Мәдіханқызы .....</b>	<b>47</b>
<b>Алдашева Гульнара Бисембаевна .....</b>	<b>50</b>
<b>Абдурахмонов С.М., Билолов И.Ү., Билолов Б.Ү.</b>	<b>53</b>
<b>Болатова Айша-бібы Болатқызы .....</b>	<b>57</b>
<b>Тұктагулова Лаура Ерлановна .....</b>	<b>60</b>
<b>Құрал Алтынай Нұрбекқызы .....</b>	<b>62</b>
<b>Капитанец Ульяна Валерьевна .....</b>	<b>67</b>
<b>Шагапов Ален Ерланович .....</b>	<b>70</b>
<b>Шалқарова Самал, Ерланқызы Алуа .....</b>	<b>74</b>
<b>Алмағамбетова Жанар Алдажарқызы .....</b>	<b>78</b>
<b>Султанбекова Жадыра Хамитбековна .....</b>	<b>81</b>
<b>Керімберді Құндышай .....</b>	<b>84</b>
<b>Уакбаева Сания Манатқызы .....</b>	<b>87</b>
<b>Исабек Ұлықбек Исабекұлы .....</b>	<b>91</b>
<b>Шералиева Арай Өмірханқызы .....</b>	<b>93</b>
<b>Абдувалитов Нуржан Буранович .....</b>	<b>97</b>
<b>Крутикова Алина Александровна .....</b>	<b>101</b>
<b>Әділханова Эйгерім Таңатарқызы .....</b>	<b>104</b>
<b>Садуақас Айнұр Нұржанқызы .....</b>	<b>108</b>
<b>Байжасарова Қ.Қ., Үндасинова А.Б., Абдугалиев Р.М.</b>	<b>112</b>
<b>Сергазиева Самал Кайрдықызы .....</b>	<b>115</b>
<b>Мусабекова Арай Оразбековна .....</b>	<b>117</b>
<b>Шарипова Айнагуль Каировна, Омарова Гульжан Магавиеновна .....</b>	<b>122</b>
<b>Мусабеков Ондасын .....</b>	<b>127</b>
<b>Кудратова Умида Рахматовна .....</b>	<b>129</b>
<b>Кайдаулова Алтынай Башировна .....</b>	<b>132</b>
<b>Бешлиева Марал Алиевна .....</b>	<b>134</b>